



## Ислом Нури

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Садақанинг энг яхшиси – эҳтиёждан ташқари бўлган нарсадир, (садақани) ўз қарамоғингда бўлганлардан бошлагин» (Имом Бухорий ривояти).

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Садақанинг энг яхшиси – эҳтиёждан ташқари бўлган нарсадир, (садақани) ўз қарамоғингда бўлганлардан бошлагин» (Имом Бухорий ривояти).

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Садақанинг энг яхшиси – эҳтиёждан ташқари бўлган нарсадир, (садақани) ўз қарамоғингда бўлганлардан бошлагин» (Имом Бухорий ривояти).

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Бир киши: «Ё Расулуллох, қайси бир садақанинг ажри улуғроқ бўлади?» деб сўради. «Танинг соғ, харис бўлган ҳолингда, камбағалликдан кўрқиб, бой бўлишни орзу қилган ҳолингда садақа қилишинг ва (садақа қилишни) ортга сурмаслигингдир, жон ҳалқумга етган пайтда: «Фалончига шунча, фалончига шунча» дейсан, энди у фалончини (яъни ворисни) бўлган бўлади», дедилар (Муттафақун алайҳ).

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Бир киши: «Ё Расулуллох, қайси бир садақанинг ажри улуғроқ бўлади?» деб сўради. «Танинг соғ, харис бўлган ҳолингда, камбағалликдан кўрқиб, бой бўлишни орзу қилган ҳолингда садақа қилишинг ва (садақа қилишни) ортга сурмаслигингдир, жон ҳалқумга етган пайтда: «Фалончига шунча, фалончига шунча» дейсан, энди у фалончини (яъни ворисни) бўлган бўлади», дедилар (Муттафақун алайҳ).



## Ислом Нури

Салмон ибн Омир розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Мискинга қилинган садақа (битта) садақадир, қариндошга қилингани эса иккита – ҳам садақа, ҳам силаи раҳмдир» (Имом Термизий ривояти).

### **Шарҳ:**

Садақанинг ҳаммаси ҳам яхши, энг яхшиси эса эҳтиёждан ортиғи, кишининг саломатлик пайтида, ўлим келишидан олдин қилган садақасидир. Камбағал қариндошга қилинган садақа бошқага қилингандан кўра афзалроқ бўлади, чунки у ҳам садақа, ҳам силаи раҳм бўлади.

### **Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:**

1. Эҳтиёжманд қариндошларга қилинган садақа бошқаларга қилингандан афзал;
2. Садақанинг энг яхшиси – инсоннинг сиҳат-саломатлик пайтида, ҳали узоқ яшаш орзусида бўлган, камбағалликдан қўрққан ҳолида қилган садақасидир.